

Қуръон қорияларига тож кийдирилди



14:50 / 01.05.2019 2115

Ҳолвачи ва Зиёрат шаҳарларида Қуръон курсини муваффақиятли якунлаган 67 нафар қорияга тож кийдириш маросими ўтказилди.

Тадбирда қатнашган шаҳар муфтийси Кашўғли биринчи ҳофизу Қуръон ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эканликларини эслатиб, барча қорияларга ҳаётлари давомида муқаддас каломни доимо муҳофаза қилиб юришга чақирган. Ушбу Қуръон байрамида сўзга чиққанлар, қорияликнинг шараф ва масъулияти ҳақида гапириб, қорилар тирик Қуръон эканини яна бир бор эслатиб ўтишди. Тадбир сўнгида қорияларга махсус совғалар топширилди ҳамда саловату нашидалар, дуолар қилинди.